



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Мухаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайбергенов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислон Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Раҳматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



**Ҳабиба Ҳасанова,**  
Навоий давлат педагогика институти,  
таянч докторанти

## 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**For citation:** Habiba Hasanova, CHANGES IN THE TECHNICAL CONDITION OF TURKESTAN PRINTING HOUSES IN 1917-1924. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.186-191

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485335>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада 1917-1924 йилларда Туркистон АССР, БХСР ҳамда ХХСРдаги босмахоналар, уларнинг моддий таъминоти ва ҳолати, босмахонада фаолият юритувчи техник мутахассисларнинг таркиби, уларнинг ойлик маоши, шу билан бир қаторда, босмахоналар фаолиятидаги мавжуд тўсиқ ва камчиликлар тарихий далиллар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу мақолада босмахоналар фаолиятини яхшилаш, уларни замонавий техника асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалалари, хусусан чет мамлакатлардан олиб келинган техник анжомлар, уларнинг техник ҳолати кабилар ҳам ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон АССР, БХСР, ХХСР, босмахона, тошбосмахона, механик, харф териш, муқовалаш, техник жиҳозлар, техник таъминот, канцелярия буюмлари, линевал, штемפל, мусулмон шрифти, нашриёт.

---

**Ҳабиба Ҳасанова,**  
Навоийский государственный  
педагогический институт докторант

## ИЗМЕНЕНИЯ В ТЕХНИЧЕСКОМ СОСТОЯНИИ ТУРКЕСТАНСКИХ ТИПОГРАФИЙ В 1917-1924 гг.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье в 1917-1924 годах типографии Туркестанской АССР, СССР и ССРСР, их материальное обеспечение и состояние, состав технических специалистов, работавших в типографии, их месячная заработная плата, на В то же время на основе исторических свидетельств были проанализированы существующие препятствия и недостатки в работе типографий. Также в данной статье рассмотрены вопросы совершенствования деятельности типографий, обеспечения их современными техническими средствами, в частности техническими средствами, привезенными из зарубежных стран, и их техническое состояние и др.

**Ключевые слова:** Туркестанская АССР, БХСР, ХХСР, типография, литография, механика, набор, переплет, техническое оснащение, техническое обеспечение, канцтовары, линевал, штамп, мусульманский шрифт, издательство.

**Habiba Hasanova,**  
Navoi State Pedagogical Institute,  
doctoral student

## CHANGES IN THE TECHNICAL CONDITION OF TURKESTAN PRINTING HOUSES IN 1917-1924

### ABSTRACT

In this article, in the years 1917-1924, the printing houses in the Turkestan ASSR, the USSR, and the USSR, their material supply and condition, the composition of technical specialists working in the printing house, their monthly salary, and at the same time, the existing obstacles and shortcomings in the operation of the printing houses were analyzed based on historical evidence. Also, in this article, the issues of improving the activities of printing houses, providing them with modern technical equipment, in particular technical equipment brought from foreign countries, and their technical condition, etc.

**Index Terms:** Turkestan ASSR, BXSР, XXSR, printing house, lithography, mechanic, typesetting, binding, technical equipment, technical support, stationery, lineval, stamp, Muslim font, publishing house.

### 1. Долзарблиги:

Барча халқлар ҳаётида китоб ва маънавият дурдоналарини аҳоли орасида тарқалишида босмаҳоналар бекиёс аҳамиятга эга бўлган. Бугунги кунда маданий-маърифий жараёнларни юксалтириш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлган шароитда Туркистонда босмаҳоналарнинг техник ҳолатини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

### 2. Методлар:

Мазкур мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, жараёнларга давр нуқтаи назаридан баҳо бериш тамойиллари архив манбалари маълумотлари ва адабиётлардан фойдаланилган ҳолда ёритилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

1917 йил феврал буржуа-демократик инқилобидан сўнг ва муваққат ҳукумат даврида (қўшҳокимиятчилик 1917 йил феврал инқилоби ва 1917 йил 25 октябрга қадар) Бухоро амирлиги, Туркистон АССРда ва Хива хонлигида босмаҳона ва китоб босиш ишлари деярли бутунлай тўхтаб қолган. Биргина амирлик маркази Эски Бухоро шаҳрида ҳукумат босмаҳонаси ишлаб турган, ҳолос. Туркистонда айрим хусусий босмаҳоналар яширин (нолегал) фаолият юритиб, уларда инқилобий характердаги газета ва материаллар босилиб, сўнгра омма орасида тарқатиларди.

Туркистондаги энг йирик босмаҳона ҳисобланган “Туркестанские ведомости” газетасининг босмаҳонаси 1918 йил январ-март ойларида қарзи кўпайган. Босмаҳонанинг 1 йиллик харажати 6067 рубль 95 коп.ни ташкил этди. Совет ҳукумати ушбу пулни ўлка кенгаши аъзоси П.А.Данилевский ҳисобига ўтказган [1]. 1918 йил ноябр ойдан барча Туркистон ўлкасидаги босмаҳоналар миллийлаштирилиб, ўлка ишчилар иттифоқи Тошкент бош идораси ҳисобига берилди. “Туркестанские ведомости” газетаси босмаҳонаси ҳам ёпилиб, Бош идора хизматчиси П.А.Данилевский назоратига ўтди. Ҳукумат босмаҳоналарни маблағ билан таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олди ва 1918 йил октябрда Туркистон оммавий кутубхонаси ҳисобига 382 рубль 21 коп ўтказилди [2]. Бироқ 1918-1920 йилларда мусодара қилинган шахсий ва хусусий босмаҳоналарни ҳукумат ишлата олмай, бу борада инқироз юз берди.

1917 йил сентябр-октябр ойларида Бухоро амирлигининг Эски Бухоро ва Янги Бухоро(Когон) шаҳарларидаги биринчи ва иккинчи босмаҳоналар фаолиятини тиклаш ва техник воситалар билан қуроллантириш учун босмаҳона директори Василий Ильич Бугаев “Бухоро амирлиги сиёсий айғоқчилиги” идораси ва амир ҳукумати бошлиғи қўшбегиси (вазири) Мирза Насруллобой қўшбегиси билан музокаралар олиб борди. Улар руҳсати билан Туркистон ўлкаси, Кавказ ва Россия шаҳарлари бўйлаб хизмат сафарига техник асбоб-ускуналар келтириш мақсадида жўнаб кетган. Шунингдек, унинг зиммасига босмаҳона машиналарини ишлата биладиган тажрибали техник ходимларни ҳам излаб топиш мажбурияти юқалатилган [3]. Чунки, В.И.Бугай билан Бухоро амирлиги ҳукумати ўртасида тузилган 13 банддан иборат шартноманинг 3-бандида: ушбу шахс босмаҳонадаги машиналар ишлаши устидан назорат ўрнатиши, босмаҳона биносини электр билан ёритилишига масъуллиги, ҳар бир техник воситасини асраб-авайлаб ишлатишга жавобгарлиги алоҳида қайд этилганди [4]. 1917 йил ноябрда Эски Бухородаги босмаҳонанинг муқовалаш ва мотор бўлимига -14.771 рубль 40 коп, босмаҳона станогини ўрнатишга-80.000 рубль, қоғоз сотиб олишга-25.000 рубль харажат қилинган. Истиқболда янги техник воситалар сотиб олиш учун “Рус-Осиё банки” ҳисобига 50.000 рубль пул ўтказилган [5].

Бухоро босмаҳонасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, техник жиҳатдан жиҳозлаш асосан, Бухоро ҳукумати зиммасида бўлса-да, “Бухоро амирлиги сиёсий айғоқчилиги” ҳам моддий жиҳатдан айрим пайтларда босмаҳонани қўллаб-қувватлаганди. Босмаҳона ишлаши учун электростанцияни ўрнатишга 10.000 рубль ажратилган бўлиб, электростанция техник воситаларини яхшилаш ва таъмирлаш ишлари амалга аширилмаса, босмаҳонадан ташқари Бухоро вокзалини электр чироғи билан таъминлаш мумкин эмаслиги манбалардан ўрин олган [6]. Босмаҳонада ёзув қоғозларига эҳтиёж кучайиб, 1918 йилнинг январда ушбу мақсадга 30.000 рубль харажат қилинган. “Рус-Осиё банки” Туркистон АССР да миллийлаштирилгани туфайли асбоб-ускуна ва техник воситалар билан босмаҳонани таъминлаш бир муддат бутунлай тўхтаган [7].

Босмаҳона учун зарур бўлган мотор, каркас, электромотор, бўёк, лампочка, мойлаш ускуналари учун ҳар бир кварталда 6371 рубль сарфлангани эса архив манбасидан аниқ бўлади [8]. Босмаҳонани истиқболда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун қуйидагича маблағ ажратиш кўзланган. Жумладан, тошбосмаҳона-3000 рубль, босмаҳона-5000 рубль, муқовалаш-8000 рубль линевал учун-1000 рубль, ҳарф териш-5000 рубль, штемпель учун-1000 рубль, механикка-5000 рубль, машиналарни ўрнатувчи ва асбоб-ускуналар билан ишловчи хизматчиларни ойлик маоши-21.165 рубль қилиб белгиланди. 1917 йилда босмаҳона ходимлари ва ишчиларининг маоши умумий маблағ ҳисобида 12.322 рубль бўлган. 1918 йилда босмаҳона учун 50.000 рубль харажат қилиш режалаштирилган [9]. Бироқ босмаҳонада 1918 йилда ёнғин чиқиши ва “Колесов воқеаси” (1918 йил март) туфайли босмаҳона фаолияти тўхтаб қолиб, ушбу режа амалга ошмаганди [10].

1918 йилнинг январида босмаҳонада 21 нафар ишчи ходим фаолият юритиб, улар механик, штампл ясовчи, муқовачи, ҳарф терувчи, қоғоз кесувчи, клейловчи, ва каучук штампл устаси, механик ёрдамчиси, накладчи, мойловчи, қоровул, оддий ишчи, ошпаз каби касб эгалари бўлишган. Ишчи-ходимлар рус, украин, беларус, яҳудий миллати вакиллари эди. Ходимларнинг маоши категориясига қараб, 560 рубль, 450 рубль, 410 рубль, 350 рубль, 320 рубль, 310 рубль, қоровул оддий ишчи учун-150 рубль, ошпазга-130 рубль қилиб белгиланган [11]. Ушбу маош ўша пайтда юқори бўлмай, ишчи-ходимлар 1 фунт(446 грамм) картошкани 2 рубльга, 1 фунт гўштни 2 рубль 50 копейкага сотиб олаётгани, бу эса нархнаво юқори эканлигидан, ишчи-ходимлар шикоят қилишганини кўрсатди [12]. Босмаҳоналардаги ишчиларнинг миллий таркиби таҳлил қилинар экан, уларнинг асосий қисми Европа миллати вакиллари бўлиб, маҳаллий аҳоли орасидан қоровул, қора ишчи (юк ташувчи), ошпаз ходимлар фаолият кўрсатгани аён бўлади.

Архив манбаларида 1918 йилда Эски Бухоро шаҳридаги босмаҳонада ёнғин чиққандан сўнг қўрилган моддий зарар, техник воситаларнинг ярқисиз бўлиб қолиши,

бинонинг эса ярим вайрон ҳолатга келиши кабилар ҳақида маълумотлар келтирилган. Хужжатларда босмаҳона зарарга ишлаб келганлиги ҳам қайд этилган [13]. 1918 йил май ойида муҳандис Маргулисга Бухоро босмаҳонаси биносини қайтадан қуриш учун 3853 рубль 04 копейк бошланғич пул маблағи амирлик ҳукумати томонидан берилган [14]. Бироқ босмаҳона 1920 йил сентябрга қадар “Бухарский ведомости” номидаги амирликдаги рус манзилгоҳлари матбуот органини ва айрим буюртма шаклидаги эълон ҳамда реклама қоғозларини чоп этган, холос. 1917 йил 7 апрелдаги Бухоро амири манифести эълон қилинганидан сўнг, эски Бухорода очилган босмаҳона 1918 йилда техник жиҳатдан жиҳозланган.

Бухоро амирлигида биринчи ҳукумат босмаҳонаси 1917 йил апрелдаги амир манифестидан кейин очилиб, қисқа муддат яъни 1917 йил баҳоридан 1918 йил март ойи давомида (Колесов воқеаси)га қадар мавжуд бўлганлиги юқорида қайд этилиб, унинг техник таъминоти ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилди. Амирлик эски боғи ўрнида мавжуд бўлган ушбу босмаҳона 1920 йил кузига қадар хароба ҳолатда бўлиб, БХСР ҳукумати уни ишга тушуриш, замонавий техника воситалари ва мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўрган. Босмаҳонани ишга тушириш учун аввало, унга ҳарф терувчи мутахассислар, инженер-техник, слесарлар, тегишли асбоб-ускуналар керак эди. Шу сабабли ҳукумат 1921 йилнинг куз ойларида Марказдан Туркистонга келган “Қизил Шарк” тарғибот поездидан “Қизил Шарк” газетаси котиби ва поезднинг ҳарбий бўлим йўриқчиси М.К.Будаилов, Ҳабибуллинлар зиммасига Бухорода босмаҳона нашриёт ва матбуот ишларини йўлга қўйиш вазифасини юклаган. Татаристоннинг Магадши уездидан бўлган, татар тилидан ташқари ўзбек, араб, рус, қирғиз тилларини ҳам яхшигина эгаллаган М.К.Будаилов 1-Қозон ҳарф терувчилар ва босмаҳона ходимларини тайёрлаш мактабини битирган эди. У ўз ҳолига ташлаб қўйилган Бухоро амирлиги босмаҳонасини асбоб-ускуналар билан таъминлаш, мусулмон шрифти ва ҳарф терувчилар, журналистлар олиб келишда жонбозлик кўрсатди. М.К.Будаилов Бухорода БХСРнинг биринчи давлат нашриёти директори бўлиб ишлаган [15].

БХСР йилларида нашриёт ва босмаҳона ишини йўлга қўйишда Волгабўйи, Уралолди, Туркистон АССР дан тошбосмаҳона асбоб-ускуналари, мусулмон шрифти, ҳарф терувчи ва муҳандис мутахассислар келиши эса 1921-1922 йиллардан муттасил ошиб борган. Қозондаги (Татаристон) 1-сонли давлат шрифти тайёрлаш корхонасига БХСР ҳукумати муражаат қилганидан сўнг, 1921 йилнинг августида бу корхона БХСР га 58 пуд мусулмон шрифти ва ҳарф терувчилар юборган. 1922 йилда 400 пуд, ўша йилнинг октябрь ойлари бошида яна 770 пуд мусулмон шрифтини Бухоро ҳукумати қабул қилиб олган [16]. Бироқ, мусулмон шрифти ҳам, янги электр асбоб-ускуналар билан ишлай оладиган мутахассислар ҳам етарли эмасди.

1920-1922 йилларда БХСР босмаҳоналари техник таъминоти учун ҳукумат янги чоратadbирларни кўрди. 1920 йил 11 декабрда Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши раиси бўлган Абдурауф Фитрат Файзулла Хўжаевга хат йўллаб, босмаҳона эҳтиёжлари учун 5 млн олтин сўмга Москвадан қоғоз (водёной бумага) харид қилишга рухсат беришини сўраган [17].

1922 йил 9 октябрда Москвадан келган телефонограммада эса Бухоро касалхоналари учун янги техникалар сотиб олиш чоралари билан бирга босмаҳона анжомларини ҳам Бухоро олтин рублида харид этилгани хабар қилинган [18]. БХСРга Москва(Россия) дан Бухоро савдо бўлими 1922 йил кузида 25.000 дона эркак ва аёллар, болалар ковуши, катта партиядан ҳарбий манафактура товарлари, 170 пуд мусулмон шрифти, 420 пуд қоғоз қабул қилиб олди [19]. Таъкидлаш жоизки, БХСРдан ХХСРга техник воситалар, босмаҳона учун динам ва машиналар, канцелярия асбоб-ускуналари, буюмлари юборилган. 1921 йил августда ХХСРга цемент, гугурт, чўян, лампа мойи кабилар билан бирга, 5 дона станок, 727 пуд телеграф ва телефон симлари, 28 дона телефон, 3 дона босмаҳона учун динамик машина, кўп миқдорда канцелярия буюмлари юборилган [20]. Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, БХСР ХХСРда босмаҳона ишларини йўлга қўйиш учун амалий ёрдам кўрсатган.

Босмаҳоналарни узлуксиз ишлаши учун қоғоз фабрикалари фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бухорода иккита қоғоз фабрикаси (Янги Бухоро ва Эски Бухорода-дисс) мавжуд бўлиб, 1920 йилнинг кузидан улар зарарига ишлагани учун ёпиб қўйилган. 1922 йилга қадар ушбу фабрикалар бир кунда 11 минг варақ ўрнига 750 варақ қоғоз чиқарган, холос. Шу сабабли ҳукумат уларни ёпишга мажбур бўлган. 1922 йилдан Гурбин (Бухоро шаҳри яқинида) қоғоз ишлаб чиқариш фабрикаси фаолият бошлаб, кейинчалик бу фабрика техник жиҳатдан янгидан қуроллантирилган. Шу туфайли 1 кунда 720 варақ ўрнига, 960 варақ қоғоз чиқара бошлаган. Тушган даромаддан фабрика атрофи 10 мингта пишган ғишт билан девор қилиб ўралган. 1922 йил охирига келиб яқка тартибда корхоналарда босмаҳона учун қоғоз ишлаб чиқарувчи ишчилар сони 51 нафарга етган [21].

Шу сабабли БХСРнинг матбуот органи “Озод Бухоро” газетасининг 5-сонида: “БХСРда китоб ва газета чоп этишда жуда кам иш қилинмоқда. Матбуот ва техник ходимлар ўзимизда йўқ. Хориждан келганлар маълум сабабларга кўра, Бухорода кўп яшай олмаптилар. Масалан, Қозондан келтирилган 14 нафар ҳарф терувчилардан 9 нафари ваража билан ўлиб битдилар. Нашриёт қўлёмаларни тўплаб китоб чиқармоқда. 1923 йил феврал-март ойларида нашриёт шўбаси “Учқун” журнали [22], Пўлат Солиев (1882-1932) нинг “Бухоро тарихи” китобини 500 нусхада чоп этди. Бухоро матбаасида Садриддин Айнийнинг форсча-ўзбекча “Инқилоб шахидлари” китоби 400 нусхада босилди. 1 апрел (1923 йил) дан кейин театр учун “Қози бола”, “Ҳозир ўқийман” каби китоблар босилди. Бирок булар етарли эмас [23]” – деб ёзилганди.

Юқоридаги қийинчилик ва тўсиқларга қарамай, матбаачилик ва босмаҳона ишларида техник янгиликлар рўй бериб турди. Кекса тажрибали матбаачи Абдулла Саидовнинг турмуш ўртоғи Гулфаруз Саидова Тошкентдан Бухорога “пиёладан босиш” усулини олиб келди. Г.Саидова Бухоро маориф назоратига аввалроқ юборган стеклография усулидаги “Пиёла босма” номли китобчасида бу босмаҳона усули билан фақат маҳкамалардагина эмас, балки хусусий кишилар ҳам ўз ҳовлисида уни ёрдамида истаган нарсасини ёзиб чоп қилдириши мумкинлигини исботлади [24]” – деб ёзганди, “Озод Бухоро” газетаси. **4. Хулоса:**

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон минтақасида босмаҳоналар 1917-1924 йилларда ҳали фаолият юритиб, уларнинг техник таъминотини таъминлаш ва малакали кадрлар муаммосини ҳал этишда Россия Федерациясининг Уралолди, Волгабўйи ҳудудлари билан кизгин маданий алоқалар олиб борилган. Россиядан босмаҳона, типо-босмаҳона, уларнинг техник эҳтиёт қисмлари ва мусулмон шрифтлари олиб келинган. Босмаҳоналар фаолиятида муаммолар ҳам юз бериб, уларнинг айримлари бутунлай ёпиб қўйилганлигига қарамай, бу даврда янги босмаҳоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни техник таъминотини яхшилаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар бу соҳа фаолиятида маълум силжишларга сабаб бўлди.

#### Иқтибослар / Сноски / References:

1. National Archives of Uzbekistan, Fund I-1, List 8, Volume 537, Sheet 21.
2. National Archives of Uzbekistan, fund R-48, list 1, collective volume 22, sheets 150,151.
3. National Archives of Uzbekistan Fund I-126, list 1, collective volume 1688, sheets 4, 5, 6.
4. National Archives of Uzbekistan Fund I-126, list 1, collective volume 1688, sheet 3.
5. National Archives of Uzbekistan Fund I-126, list 1, collective volume 1688, sheet 1, sheets 7,8,9.
6. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, pages 20, 21.
7. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, pages 22, 23, 24.
8. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, 35,36 sheets.
9. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, pages 44, 45, 46, 47, 48, 49.
10. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, pages 41, 42.
11. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, page 60.

12. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, pages 51, 52.
13. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, pages 83, 85, 88.
14. National Archives of Uzbekistan, fund I-126, list 1, collective volume 1688, sheet 93.
15. National Archives of Uzbekistan, fund R-47, list 1, collective volume 556, page 56.
16. Rasulov A, Isoqboev A, Nasretdinova D. Scenes from the socio-cultural life of Turkestan. T., "TURON-IQBOL"- 2019. - P. 134-135.
17. National Archives of Uzbekistan, Fund R-53, List 1, Volume 25, Sheet 21.
18. National Archives of Uzbekistan, Fund R-53, List 1, Volume 25, Sheet 5.
19. Arrival of goods in Bukhara// Izvestiya Buh.kompartii. November 7, 1922)
20. 20.<< Khorazm news>> (Uzbek language newspaper in Arabic spelling) August 24, 1921, №14.
21. National Archives of Uzbekistan, Fund R-53, List 2, Volume 22, Sheet 11.
22. <<Uchkun>> magazine is a short-lived political, economic, literary publication published by the Bukhara educational control, published once a month, its 1st issue is printed on 36 pages on high-quality white paper. The price of the magazine was 2 coins for residents of Bukhara, 900 soums by mail for foreigners (see. Column of Bukhara news, press in Bukhara, <<Uchkun journal>> // Bukhara news, issue 146, March 22, 1923).
23. Fourth All-Bukhara Council of Soviets. Publishing works. // Azod Bukhara, No. 5. October 23, 1923.)
24. Innovation in printing work // Azod Bukhara, No. 68. March 29, 1924.
25. Sayfullayev, B. D. (2022). Development of Bilateral Political Relations between Uzbekistan and India. Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences, 1(3), 54-56.
26. Sayfullaev, B. (2021, November). FROM THE HISTORY OF CULTURAL RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND INDIA. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 57-60).
27. Sayfullaev, D., & Sayfullaev, B. (2020). О научном исследовании двусторонних отношений Узбекистана и Индии. Sharqshunoslik, 3(3), 139-144.



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000